
Ўзбекистон туманилик депутат Мавлудахон Ходжаева I даражали
«Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги [Фармони](#)га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ходжаева Мавлудахон Исламовна I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланди.

102-Яйпан сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Мавлудахон Ходжаева ўз ваколати доирасида тумандаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда асосий ташаббускор ҳамда сайловчиларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ижобий ҳал этишда яқиндан кўмакчи бўлиб келмоқда.

Халқ вакилини ушбу юксак эътироф билан самимий муборакбод этамиз.

2023-08-28 17:13:19